



ХАВАР

خبر

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1998 йил, 13 март № 10 (290) • Сотувда нархи эркин

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

К. РАХИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Комилжон Раҳимов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 9 март.

«Алоқабанк» акциядорларининг 1997 йил якунларига бағишланган умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиши Банк Кенгаши раиси, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори ўринбосари М. Махмудов очди. «Алоқабанк» бошқаруви раиси К. Ким «Алоқабанк»нинг 1997 йил иш якунлари ва банк фаолиятининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлис Х-сессиясидаги маърузасида қайд этилган вазибалар асосида 1998 йилдаги асосий йўналишлари тўғрисида» маъруза қилди.

Банкнинг кредит ресурслари ҳажми 1997 йил 1 январда 742,2 мил-

лион сўми ташкил этган бўлса, 1998 йил 1 январда 936,2 миллион сўми ташкил қилди. Банкнинг соф фойдаси 60,6 миллион сўмдан иборат бўлиб, бу эса ўз навбатида 1998 йил учун жисмоний шахсларга (акциялар учун) дивиденднинг юз фоиз миқдоридан ҳар чоракда тўлаб бориш имконини беради. 1997 йилда юридик шахсларга йўналтирилиши керак бўлган 43,18 миллион сўм банк Низоми учун йўналтирилди. Шу билан бирга 1998 йил учун юридик шахслар учун дивиденд миқдори 68 фоиз қилиб белгилангани эътирозларга сабаб бўлди.

«АЛОҚАБАНК»НИНГ ФИЛИАЛЛАРИ КЎПАЯДИ

Республикамизда алоқа соҳасида хизмат кўрсатаётган бир қанча қўшма корхоналар мавжуд, лекин уларнинг кўпчилиги бошқа банкларнинг миқдорларидир. Ҳозирги даврда маъмурий буйруқбозлик асосида уларни «Алоқабанк» миқдорларига айлантириш, уларнинг корхона, юридик шахс мақомидаги ҳуқуқларини поймол қилиш билан тенг. Уларга қулай шaroитлар яратиш ва хизмат сифатини яхшилаш натижасидагина банкка жалб қилиш мумкин. Бу эса ўз навбатида банкнинг рақобатбардошлигини ҳам таъмин этади.

Банк тафтиш комиссиясининг раиси Т. С. Палагута ўз маърузасини «Ўз-банкаудит» фирмаси томонидан тасдиқланган банк балансини таҳлил қилишдан бошлади ва харажатларнинг ўз ўрнида ишлатилганлигини тасдиқлади. Тафтиш комиссиясида ишлаб турган В. П. Култепенова бошқа ишга ўтганлиги туфайли ўз фаолиятини тўхтатганлигини билдирди ва ўз ўрнига янги номзод тақлиф қилишларини сўради. Йиғилиш аҳли В. К. Макаровани тафтиш комиссиясининг аъзоси қилиб сайлади.

Қабул қилинган қарорлар орасида 1998 йил мобайнида Андижон, Бухоро, Самарқанд ва Термиз шаҳарларида банкнинг вилоятлардаги филиалларини очиш ва «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» ва «Тошкент почтамати» акциядорлик жамиятлари билан биргаликда Тошкент шаҳрида ягона компьютер алоқа тизимида иштирок этиш каби истиқболли режалар бор. Бу эса ўз навбатида банклар билан рақобатлашиш ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтиради.

Умумий йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг сўнгги қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 февралда бўлиб ўтган 1997 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ва 1998 йилда иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисида Президент томонидан билдирилган фикрлар асосида дебитор-кредитор ҳолатини яхшилаш, ҳисоб-китоб механизмининг тақомиллаштиришда фаол иштирок этиш, шартнома муносабатларида томонларнинг ўз бурчларини бажаришлариغا эътиборни қаратиш лозимлиги банкнинг асосий вазибалари бўлиши таъкидланди.

Йиғилишда қўрилган бошқа масалалар юзасидан ҳам тегишли қарорлар қабул қилинди.

Муҳаммадали ТУРҒУНОВ

ЙИҒИЛИШ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон телевидениесининг «Ахборот» кўрсатиш орқали Собир Раҳимов телефон тармоғида олиб борилаётган ишлар тўғрисида танқидий фикр билдирилган эди. Шу муносабат билан «TOSHKENT - SHAHAR TELEFON TARMOG'I»да йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда миқдорлар билан муомала маданиятининг йўқлиги, аҳолига намунали хизмат кўрсатиш турларининг камлиги ва бор имкониятлардан ҳам унумли фойдалана олмаётган Собир Раҳимов телефон тармоғидаги ишлар ўлда-жўлда эканлиги айтиб ўтилди. Анжуманда «TSHTT» АЖ бош директори Ш. А. Одиллов сўзга чиқди. У қоридаги камчиликлар фақат Собир Раҳимов телефон тармоғидагина эмас, шаҳарнинг бошқа телефон тармоқларида ҳам мавжуд эканлиги, жойлардаги айрим раҳбарлар танқидлардан керакли хулоса чиқариб олмаётганлигини таъкидлади.

Йиғилишда «Маҳаллий телеком» АЖ Бош директори ўринбосари Т. Бекметов, Мирзо Улуғбек телефон тармоғи бошлиғи А. Алимбоев, Миробод телефон тармоғи бошлиғи М. Дадабоев, Чилонзор телефон тармоғи бошлиғи С. Аъзамовлар сўзга чиқиб, камчилик ва хатоларни бартараф этиш чора-тадбирлари ҳақида ўз

тақлиф, мулоҳазаларини билдирдилар. Йиғилишда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори А. Жўрабоев, Бош директор ўринбосари Ш. Обидхўжаев, Давлат алоқа назорати бошлиғи Ф. Зийёевлар қатнашдилар.

Анжуманда агентлик Бош директори А. Жўрабоев сўзга чиқиб, шундай деди.

— Биз бир неча бор аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилаш борасида йиғилишлар ўтказдик. Ҳисоб-китоб, абонент бўлимларида ишлаётган ходимларимиз ўз зиммаларига юклатилган масъулиятни ҳис эътиям билан, миқдорларга тез ва соз хизмат кўрсатиш ўрнига, «отанга бор, онангга бор» қабилада иш тутиб, аҳолининг норозиликларига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон телевидениесининг «Ахборот» дастури орқали бу камчиликлар тўғри кўрсатилган деб ўйлайман. Собир Раҳимов телефон тармоғи раҳбарияти аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини оширишлари зарур. Агар бу тармоқда ишлар тўғри йўлга қўйилмас экан, биз кескин чоралар қўришга мажбур бўламиз.

Йиғилиш сўнггида қўрилган масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

ҲАР ЭҲТИМОЛГА ҚАРШИ

Бу йилги қишқи мавсумда Тошкент вилоятининг кўп жойларида ёгингарчилик, айниқса, қор ёғиши ҳар йилги ўртача меъёрдан бир неча марта кўп бўлди. Об-ҳовон кузатиш марказининг хабар қилишича, баҳор ойлари дарёлар irmoқларида сув сатҳининг ошиши, сел ва сув тошқинлари бўлиши мумкин экан. Бундай кўнгилсиз ҳодисалар вилоят, шаҳар ва туман ҳўжаликларига, аҳолига, электралоқа тармоқларига катта талофат келтириши мумкин. Бу каби ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил, 18 февралдаги тегишли кўрсатмаси ва Тошкент вилояти ҳокимининг 1998 йил, 10 февралда қарори чиқди.

Ушбу қарорни бажариш юзасида «Тошкент Телеком» очик акциядорлик жамиятида ҳам тегишли буйруқ қабул қилиниб, шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда қор қўчиши, сув тошқинлари ҳамда сел оқими бўладиган хавфли жойларни аниқлаш, алоқа иншоотларининг бузилишларини олдини олиш бўйича вазибалар қўйилди. Жорий йилнинг 1 апрелигача кечикмасдан, барча зарур чораларни қўриш вазифаси белгиланди, шунингдек, жойларда кунбўйи набатчилик таш-

кил қилинди. Вилоятнинг Пскент туманида февраль ойининг охирида кучли бўрон, ёмғирлар ва жала қўйиши, сел келиши пайтида фуқароларни ҳимоялашга доир машқар бўлиб ўтди. Бу ўқув-машғулотлардан асосий мақсад алоқа тармоғининг ҳокимлик бошқарув идоралари билан ҳамкорликда кўнгилсиз ҳодисаларнинг оқибатини йўқотишда тажриба орттириш эди.

Ўқув-машғулотлари давоминда факулдада ҳодисалар юз берганда қандай ишлар ва ташкилий тадбирлар ишлаб чиқиш лозимлиги қўриб чиқилди. Пскент электралоқа боғламаси негизда Марказий хабар бериш шохбўчаи ташкил этилди. Шунингдек, ушбу тадбирлар жараёнида ҳосил қилинган янги каналлар ҳисобига уруш қатнашчиси Х. Фозилов, меҳнат фахрийси Ч. Усмонов ва иккинчи гуруҳ ногирони Т. Дўстматовлар хонадонларига телефон ўрнатиб берилди.

Март ойида ана шундай ўқув-машғулотларини Бўстонлиқ туманида ҳам ўтказиш режалаштирилган.

Мурод НАЗИРОВ,
жамоатчи мухбиримиз,
Тошкент вилояти

• Матбуотда «Ҳарбий ва муқобил хизматининг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни қуролли қучлар, чегара ва ички қўшинлар сафларидан захиргага бўшатиш ва фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақирши тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори эълон қилинди.

• Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-

ОЛАМДА НИМА ГАП?

— Янгиликлар — Воксёллар — Хабарлар

сиёсий жамғармаси Наврўз ҳамда Наврўз шодиёналари телевидение, радио ва газета-журналларда кенг тарғиб қилиш, ёритиш мақсадида анъанавий «Наврўз — боқий байрам» танловини эълон қилди.

• ГФРнинг Штутгарт шаҳрида Александр Мень номидаги йиллик мукофот машҳур ёзувчи Чингиз Айтматовга бе-

риладиган бўлди. Мукофот ёзувчига шу йилнинг 25 июнь кунини топширилади.

• Арманистонда 16 мартта мўлжалланган президент сайловлари ҳал қилувчи паллага кирди. Давлат раҳбари лавозимини учун 12 номзод, шу жумладан, ҳозирги пайтда Президент вазифасини бажариб турган Роберт Кочарян ҳам қураш

олиб борапти.

• Москвада бўлиб ўтган ҳамдўстлик мамлакатлари ҳукумат бошлиқларининг учрашувида кўпгина масалалар қатори апрель ойида МДҲни стратегик ривожлантириш муаммолари бўйича анжуман ўтказиш масаласи ҳам қўриб чиқилди.

• Куба раҳбари Фидель Кастронинг тақлифига мувофиқ мамлакатга 50 нафар

америкалик сармаждорлар келди. Улар Куба билан иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш имкониятларини ўрганадилар.

• Буюк Британия китоб дўконларида Миср тарихидан хикоя қилувчи китоблар савдога чиқди. Генри Стерлин қаламига мансуб «Мамлуқлар даври маданияти ва меъморчилиги» китоби мамлуқлар даври тарихи ва Қоҳирада ушбу вақтда бунёд этилган ёдгорликлар ҳақида ҳикоя қилди.

ИМКОНИЯТЛАР ЕТАРЛИ, ФАҚАТ ИШЛАШ КЕРАК

Бозор иқтисодиёти мулк шакллари ўзгаришини талаб қилмоқда. Ўтган йили кўпгина почта алоқа корхоналари хиссадорлик жамиятларига айлантирилганди. Мулк шакли ўзгарди. Энди ишлаш имконияти пайдо бўлди. Ҳўш, жойларда бу борада қандай ишлар амалга ошириляпти? Мухбиримиз «Сурхондарё почтаси» хиссадорлик жамияти директори Маҳмуд Собировни МУҲАММАДИЕВ билан ана шулар ҳақида суҳбатлашди.

— Маҳмуд Собирович, раҳбарлигиниздаги корхонанинг хиссадорлик жамиятига ўтиши қийин кечмадими?

— Ҳозирги бозор иқтисодиёти талабларига кўра почта корхоналари хиссадорлик жамиятларига айлантирилди. Бу албатта осон кечмади. Вилоят ҳокимлиги ва республика давлат мулк қўмитаси ходимлари ақидан ёрдам беришди. Қолаверса, ўзимнинг бундай жараён билан таниш эканлигим кўп келди. Илгари «Алоқавест» хиссадорлик жамиятининг вилоят бўлими бошлиғи вазифасида ишлагандим. Корхонамиз хиссадорлик жамиятига ўтгандан кейин биз иш режамизни қайта кўриб чиқдик. Жамиятимизнинг моддий аҳоли ҳамда вилоятда почта хизмати яхшилаш учун ҳам кўшимча маблағ топиш ишларини йўлга қўйдик. Корхонамиз янгича шаклга ўтаётганда баъзи бир муаммолар ҳам пайдо бўлди. Масалан, кадрлар масаласида. Хиссадорлик жамияти бутунлай бошқача тизимга ўтиб ишлашни такос қилади. Битта ходимимиз Тошкентда қимматбаҳо қоғозлар бўйича ишлаш учун ўқиб келди. Шунингдек, бу тизимга ўтиш даврида айрим нарсалар соф фойдадан олинсагина корхонанинг мулк бў-

либ қоларкан. Ҳисоб-китоб даврида бу нарсалар соф фойдадан олинмаганлиги сабабли имтиёзли равишда берилмади. Бироқ, биз қийинчиликларни удралаб, ўз ақцияларимизни чиқардик. Корхона жамоалари ўзларига тегишли ақцияларни 100 фоиз олишди.

Тўғриси, ишчи-ҳодимларимиз ақция ва дивидендлар ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмасди. Шу боис тушунтириш ишларини олиб бордик. Бу ишларимизнинг самараси албатта бўлади деб ўйлайман.

— Корхонада талайгина ишлар амалга оширилибди. Шунга яраша хизмат турлари ҳам кўпайгандир?

— Бозор иқтисодиёти ишчанликни, эпчилликни ва яна кўп хусусиятларни талаб этадики, буни англаб етмасангиз ишингиз юришмайди. Биз шуларни ҳисобга олиб, корхонада янги хизмат турларини жорий этдик. Илгари почтада 6 турда хизмат кўрсатилган бўлса, ҳозир вилоятимизда бу хизматларнинг тури 14 тага етказилди.

— Демак, корхона ХЖГа ўтгандан кейин янги имкониятларга йўл очилибди-да.

— Тўғри, илгари почта Низомида анъанавий бўлмаган хизмат турлари билан шуғулланиш мумкин эмасди. Корхона ХЖГа ўтгандан кейин унинг имкониятлари кенгайди. Биз

ҳозир фуқаролардан ҳар хил мулк ва ер, газ, сув, электр нури ва бошқа коммунал хизмат солиқларини йўғайтдим. Шунингдек, яқна тартибда хунармандлик билан шуғулланувчилардан патентни йиғиш, ички ишлар ходимлари билан биргаликда фуқаролар паспортларини алмаштириш ишларига ёрдамлашяпмиз. Савдо дўкони оғанмиз, унда почтага тааллуқли маҳсулотлар, алоқа асбобу-ускуналари сотилади. Бу ишларни йўлга қўйганимиздан кейин корхонамизга мўмайгина даромад туша бошлади. Ходимларнинг ишга қизиқиши ортди.

— Маълумки, почта корхоналарининг асосий вазифаси газета-журнал тарқатиш, почта жўнатмаларини манзилга етказишидир. Ҳозир бу ишларнинг аҳоли қандай? Вилоят микёсида бу йилги обуна мавсуми қандай кечди?

— Биз асосий ишимизни эсдан чиқарганимиз йўқ, албатта. Ўтган йили обуна бўйича юқори ўринларни эгаллаган эдик, жорий йилда эса обуна ўтган йилга нисбатан 1,5 баравар кўп бўлди. Вилоятда энг юқори кўрсаткичларга Термиз шаҳри, Музработ, Ангор, Саросиё, Денов туман филиаллари эришишди.

— Муаммолар ҳам бордир?

— Муаммоларимиз шундан иборатки, бизда 5 та тоғли ҳудуд бор. Улар Тожикистон, Туркменистон, Афғонистон давлатлари билан chegaradoш жойлар. Уша жойларга почтани етказиш жуда қийин. Баъзи қишлоқларга почтани етказишда қайиқдан, отдан фойдаланишга тўғри келади. Бундан ташқари, почта тўғрисидаги қонуннинг йўқлиги ишимизда анча қийинчилик туғдирапти. Бошқа муаммоларни ўз вақтида, тўғри ҳал қилишга интиляпмиз. Ҳозирги кунда корхонамиз учун зарур бўлган ҳар хил турдаги иш юритиш қоғозлари етишмаяпти. Бундай қоғозлар республика бўйича марказлашган ҳолда нашр қилинса фойдадан холи бўлмади. Маркалар камлигидан қийналяпмиз. Бундан ташқари, хатжилдларга озгина ўзгартириш киритиш керак, яъни хатжилд устига қизиқлар тортилса, миждозларга ёзиш учун қулай бўларди.

— Ходимларга қандай шарт-шароитлар яратилган?

— Ходимларимиз яхши маош олишмоқда. Ишчи-ҳодимлар учун ошхона ишлаб турибди. Яқинда корхонамиз қошида шифо маскани очдик. Ходимларнинг оилавий шароитларини яхшилашга ҳарақат қиламиз. Моддий қийналган ходимлар ҳар доим эътиборимизда бўлади. Оила йилини ҳар жиҳатдан муваффақиятли яқунлаб, аҳолига намунали алоқа хизмати кўрсатиш асосий вазифамиз ва бурчимиз бўлиб қолаверади.

ИЗЗАТ АҲМЕДОВ
суҳбатлашди
«ХАБАР»нинг махсус мухбири,
Сурхондарё вилояти

ҚУТЛОВ



Камол Боқиев 1971 йили меҳнат фаолиятини Тошкент электротехника Алоқа институтининг автоматик електралоқа факультетини тугатгандан сўнг, Наманган шаҳридаги 9-алоқа техникасида фойдаланиш тармоғида бошланди. У яхши мутахассис сифатида тез орада танилиб, обрў-эътибор қозонди. Аввал шу корхонада таърибахона бошлиғи вазифасида ишлади. 1975 йили Наманган шаҳарлараро алоқа боғламасининг бош муҳандиси этиб тайинланди.

Камол Боқиев 1982 йили дастлаб ўзи иш бошлаган Наманган 9-алоқа техникасида фойдаланиш тармоғида бошлиқ, 1988 йилдан 1997 йилгача Наманган вилоят электралоқа ишлаб чиқариш давлат корхонасида бош муҳандис ва 1997 йилдан бошлаб эса шу корхона бошлиғи вазифасида хизмат қилмоқда. Ўтган йилнинг ноябрь ойида корхона «Наманган телеком» акциядорлик жамиятига айлантирилган, Камол Боқиев бир овоздан жамиятнинг Бош директори этиб сайланди.

Таърибали алоқачи вилоят телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва тараққий эттириш, унинг самарадорлигини ошириш йўлида самарали меҳнат қилмоқда. Унинг бевосита раҳбарлигида Марказий Осиё республикалари орасида биринчи бўлиб Наманган шаҳрида Германиянинг «АЛКАТЕЛ» фирмаси билан ҳамкорликда 11 миң миждозга мўлжалланган замонавий, электрон рақамли телефон станцияси қурилади, ишга туширилди. Шунингдек, 3 миң линия ва канал, автоматик шаҳарлараро телефон станцияси, 15 ўрилли энг замонавий электрон коммутатор мажмуи бунёд этилди.

Вилоятда «2010 йилгача республика телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва тараққий эттириш Миллий дастури»га асосан телефонлар сонини 3 баравар кўпайтириш, телефон станцияларини замонавий электрон рақамли телефон станцияларига алмаштириш бўйича бир қатор ишлар олиб боришмоқда.

Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва хорижий фирмалар билан ҳамкорлик каби хайри ишларда ҳам К. Боқиевнинг хизматлари салмоқлидир. Унинг алоқа соҳасини ривожлантиришдаги хизматлари нуносиб тақдирланмоқда. Унга 1996 йили Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлигининг «Аъло даражали мутахассис» унвони берилди, қатор «Фахрий ёриқ»ларга сазовор бўлди.

Талабчан ва меҳрибон раҳбар, заҳматкаш алоқачи Камол Боқиевнинг муборак 50 ёши билан самимий табриклаймиз. Унга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотирамлилик, алоқа соҳасини ривожлантиришдаги хайрли ишларида янги ижодий зафарлар тилаймиз.

«Наманган телеком»
акциядорлик жамияти
жамоаси

АЛОҚАЧИ ОЛИМНИНГ ЮТУФИ

Баҳорнинг илк кунларида Тошкентга ажойиб хушхабар келди. Тошкент электротехника Алоқа институтининг биринчи проректори, телевидение ва радиоэшиштириш кафедраси муdiri, техника фанлари доктори, профессор Юрий Садуллаевич Садуллаев Москва шаҳрида «Йўлдошли ва ер усти алоқа тизимлари ва эшиштириш» бўлимининг ййғилишида танлов асосида Халқаро Ахборот-Телекоммуникация Академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Ю. Садуллаев, ахборот ўлчашлар ва аниқловчи ёруғлик ахборот тизимлари соҳасида танилган олимлардан биридир. Унинг 1997 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг «ФАН» нашриётида чоп этилган «Космик аппаратларнинг яқинлашиш жараёнларини телевизион назорат қилиш асослари» монографияси космик соҳа мутахассислари томонидан юқори баҳоланди. Юрий Садуллаевнинг 1993 йили Халқаро Ахборотлаштириш Академияси мухбир аъзоси, 1998 йили эса академиги этиб сайланиши унинг илмий ва амалий изланишлари, ер устини дистанцион зондлаш учун спектронал телевидение соҳасида, космик аппаратларнинг яқинлашиш ва уланиш телевизион усуллари ва тизимларини ишлаб чиқиш, оптик тасвирларни қайта ишлаш ва ажратиш усуллари ҳамда бошқа иш-

рининг илм соҳасида ҳақли равишда тан олиниши натижасидир.

Халқаро Ахборотлаштириш Академияси 500 дан ортиқ регионал ахборот академиялари ва функционал бўлимларидан иборат бўлиб, улар ахборотлаштириш ва табиий фанларнинг фундаментал назарий ва амалий муаммолари билан шуғулланади. Академиянинг штаб-квартиралари Асмердам, Вашингтон, Женева, Йерусалим, Монреал, Москва, Нью-Йорк, Рига ва жаҳоннинг бошқа йирик шаҳарларида очилган.

Академия БМТда рўйхатдан ўтган, БМТнинг Иқтисодиёт ва Ижтимоий Кенгашида Бош маслаҳатчи мавқега эга бўлган дунёдаги ягона академиядир. У Нью-Йоркдаги БМТнинг штаб-квартирасида ўз бўлимига эга. Академия раҳбарлигида 250 дан ортиқ илмий дастурлар ва йирик илмий-техник лойиҳаларни бажариш бўйича ишлар олиб боришмоқда.

Халқаро Ахборотлаштириш Академиясининг ёш академиги, алоқачи олим Юрий Садуллаевич Садуллаевга илмий ва амалий фаолиятида янги ижодий ютуқлар тилаймиз.

З. ЮСУПОВ,
Агентликнинг
Мутахассисларни
тайёрлаш ва қайта
тайёрлашни ташкил этиш
бўлими бошлиғи
ўринбосари

Европа-Осиё халқаро жамғармаси республикамизда янги алоқа тармоқларини юзага келтириш йўлида тadbиркорлик ишлари олиб бораётгани ҳақида газетамизда илгари хабар қилинган эди. Ана шу хайрли ишнинг давоми сифатида мазкур нуфузли жамғарма яна бир ташаббус билан чиқди.

Ўзбекистон Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиғи билан ҳамкорликда мукамал ахборот алоқасини ишга ту-

ХАЛҚАРО ГРАНТ БЎЙИЧА

шириш режалари ишлаб чиқилди. Шуниси муҳимки, мазкур бунёдкорлик иши халқаро грант бўйича амалга ошириладиган бўлди. Шу мақсадда жамғарма Тошкент Давлат университетига грант ажратди.

Ушбу имтиёз бўйича «Ўзбекистон Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиғи ҳамда Ўзбекистон университетлари ўртасида ахборот тармоғини яратиш» мавзусида йирик тадқиқот ишлари олиб борилади. Бундай илмий иш олий ўқув юртининг физика факультети томонидан амалга оширилади. Мутахассис олим А. Раҳматов бу илмий жараёнга бошчилик қилмоқда.

Янги алоқа тармоғини рўёбга чиқариш билан боғлиқ тадқиқот учун 23078 АҚШ долларини миқдоридан маблағ сарфланади.

А. АЛИЕВ

ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Давлат фельдъегерлик хизмати жамоаси бўлим бошлиғи ўринбосари, ички хизмат подполковниги **Анатолий Иванович ХРУСТАЛ'ЕВ**ни муборак 50 ёшга тўлиши муносабати билан самимий табриклайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат ва алоқа соҳасидаги ишларида улкан муваффақиятлар тилайди.

Ҳурматли фарзандларимиз БЕРКИНБОЙ ва БЎТАКЎЗ!

Сизларни таваллуд айёмингиз ва баҳор байрами билан чин қалбдан муборакбод этаман. Азиз фарзандларим, ҳаммиса соғомон бўлиб, узоқ умр кўринлар. Алоқа соҳасидаги заҳматли ишларингизда омад тиламан.

Оила аъзоларингиз номидан ангиз
ИСҲОҚ ТОЖИМБЕТОВ,
Жиззах вилояти

Кўпдан бўён бундай ажойиб қиш бўлмаганди. Ажойиб дейлишига сабаб — ҳар фаслнинг ўз фазилати, ўз зийнати бўлганидек, қишнинг ҳам ўзига яраша гўзаллиги, хусну таровати бор. Шоирлар негадир баҳорни кўпроқ мактаб, куйлайдилар, совуқ қишга эса у қадар илтифот қилмайдилар.

Қишнинг гўзаллиги албатта қор билан. Ахир арча байрамини қорсиз тасаввур қилиб бўлмайди-ку! Эсимда, болалгимизда қиш фасли шу қадар кўп, қалин қор ёғардики, кўни-кўшнлар бир-бирларининг томларини

Эсингизда бўлса, рамазон ойининг лайлатулқадр кечасида Тошкентга қалин қор ёғди. Ҳаммаёқ оппоқ либосга бурканди.

Болалигидан сайру саёҳат ишқибози бўлган журналист, эндиликда ҳаваскор тадбиркор дўстимиз Мирёкуб Қобилов ўша кунни олис хизмат сафаридан Тошкентга қайтганида соат миллари вақт тунги бирдан ошганини кўрсатиб турарди. Бу маҳал шаҳарда транспорт қатнови алақачон тўхтаган, ахён-ахён кўриниб қоладиган якка-ёлғиз машина, таксиларни ҳисобга олмганда, «гур» этган овоз эшитилмасди, ҳаммаёқ оппоқ сукунат огушида эди. Болалигидан табиат ошуфтаси бўлган дўстимиз паға-паға ёғётган лайлак қорга завқи тошиб тикилар, тўйиб-тўйиб қиш ҳавосидан нафас олар, бу нашъу намонинг сира-сира ту-

лан таксида бемалол етиб олардим, бемаҳал, қоқ ярим тун, қалин қор ёққани учун ҳам кўпроқ пул берялман-ку, нега унашмайди? Нега энди одамлар бошга иш тушганда бир-бирига ёрдам бериш ўрнига, фақат ўзини, ўз манфаатини ўйлашади? Инсоннинг ноқорлигидан, ноилоҳлигидан фойдаланиб қолишга уриниш инсофсизлик эмасми? Э, шошма, нега энди мен буларга ялинишим керак? Буларга берадиган саккиз юз сўмга оилам учун икки кило гўшт олганим яхши эмасми?..

Мирёкуб бир қарорга келиб, пиёда йўлга тушди. Қор ҳамон тинимсиз ёғар, қатнон тўхтаган, из тушмаган катта йўлдан юриш қийин, аммо бундай мушкулот Мирёкуб-дек чиниққан, тажрибали саёҳатчи учун писанд эмас эди.

Турмуш чорраҳаларида

ҚОР ҚАЛИН ЁҚҚАН КЕЧА

хашар қилиб қурашарди. Иш битган, паства тушиш учун нарвоннинг ҳам хожати йўқ, ердаги қор уюмларига бемалол сакраб, тушиб олаверарди. Ота-оналар ўтирган уйлارнинг томига оёқ қўйилмас, бу уларга нисбатан одобсизлик ҳисобланарди.

Эндиликда табиатнинг табиати ҳам жуда ўзгариб кетди. Юқоридаги манзаралар олис хотираларга айланди. Аммо бу йил ўша бизни соғинтирган ҳақиқий зумрад қиш бўлди. Кўпни кўрган кексалар «Қиш қишлигини қилгани яхши, қор, ёгин-сочин дехқоннинг ризи» дейдилар. Ҳақ гап. Иншооллох ризку насибамиз улуг бўлсин.

Қиш баҳонаси кўнглимда уйғонган кечинмаларни андак узокдан бошлаганим беҳиз эмас. Инсон билан Она табиат ўртасидаги азалий уйғунлик ва мувозанатнинг бузилгани, бунинг аянчли оқибатлари ҳамда бу кўҳна дунёда рўй берадиган ҳар қандай тасодиф заманида ҳам қандайдир бир қонунятлар борлиги ҳақида (Бейхтиёр ҳаёлга шоири замонин «Ер усти тинч турсин десангиз агар, Сизлар ер устида қилманг тўполон» деган ибратли мисралари келади) кўп ўйлайман. Куйида сизга хикоя қилмоқчи бўлган воқеа бу борадаги мушоҳадаларимни янада теранлаштиради.

гамаслигини истар эди. Шу аллопта у бекатда ёлғиз, анча туриб қолди. Ногоҳ иссиқ уйда уни кутиб турган тақводор хотини, бола-чақаси кўз олдига келди. Тезроқ ўз уйи-ўлан тўшагига етиб олишни ўйлади. Чўнтагида қолган охириги пули — беш юз сўмни кўлида сиқимлаганча ўткинчи машиналарга кўз тикди. Ниҳоят, кўк чирогини ёндирган такси кўринди. Мирёкуб шошиб машинага кўл кўтарди. Енида тўхтаган такси эшигини очмоқчи эди, хайдовчи шошманг дегандек ишора қилиб, шаштини қайтарди:

— Қанча берасиз, окоси?
— Э, қанча десангиз... шуда!
— Содда Мирёкуб шошиб турган эди, савдолашгиси келмади. Чўнтагидаги пулини бемалол етади деб ўйлади.
— Саккиз юз сўм бўлади!
— Йўғ-э? Беш юз сўм пулим бор, илтимос, шунга рози бўлиб, обориб кўйинг. Бемаҳалда кўчада қолиб кетмай.
— Соатга қаранг, соатга! — Хайдовчи бундай вақтда такси нархи ҳам бошқача бўлади демоқчи эди.

Мирёкуб соатга қараган эди, хайдовчи машинасига жаҳл билан газ бериб, жўнаб қолди. Кейинги тўхтаган хайдовчилар ҳам худди ўзaro маслаҳатлашиб олишгандек, беш юз сўмга кўнишмади.

«Қизик, — деб ўйларди Мирёкуб соддалик билан, — бошқа вақтда бу ердан уйимга-ча юз эллик, икки юз сўм би-

У ўсмирлик ва ёшлик йилларида рюкзак ва палаткасини кўтариб, сайру саёҳатларга кўп чиққан, сафар машаққатларидан, она табиат гўзаллигидан завқ ола билиш ҳисси унга бегона эмас эди.

«Ғарч-ғарч» қор босиб бораркан, шаҳарнинг сутранг неон чироқлари ёғдусида ажиб товланувчи лайлакқорнинг бу қадар ажиб, фусункор бўлишини гўё биринчи бор кўраётгандек эди; фикри, онгу шури тобора тинчлашиб, ўзи ҳам шу қордай оппоқ, беғубор табиатнинг бир бўлагига айланиб бораётганини, шу туйғу ҳаётнинг, умрнинг мазмуни, охираш ҳақида янада теранроқ мушоҳада юриштишга чорлаётганини ҳис қилди. Руҳи энгиллашиб, ўзи ҳам энгил тортиди.

Хуллас, Мирёкуб қор қалин ёққан ўша лайлатулқадр кечаси шу аллопта йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, улкан пойтахтнинг у чеккасидан бу чеккасигача бўлган катта масофани уч соатдан мўлроқ вақтда босиб ўтиб, (ўзининг таъбирича, айни чоғда икки кило гўшта ишлаб) уйига етиб келади. Келса, вафодор, художўй хотини йўлга интиқ-интизор кўз тикиб, тўни билан имжжа: қоқмай, оллоҳга ибодат қилиб ўтирган экан...

Шодмон ОТАБЕК



Кошига ўсма кўйиб, боқади киё-киё...

Эркин ТУРСУНОВнинг касби шифокор, Тошкент педиатрия институтининг кафедра мудири бўлиб ишлайди. Тиббиёт фанлари доктори, профессор. У шеърятни севади, ўзи ҳам шеърлар машқ қилиб туради. Газетхонлар эътиборига ҳаваскорнинг шеърларидан ҳавола этилаётир.

ИСТИҚЛОЛ

Истиқболим мадҳиясин
баландроқ куйла дилим,
То, бу қўшиқ бағрида
қора доғлар қолмасин!
Истиқлол йўлларига
ким гов бўлса, элим
Улоқтириб уларни,
армонлардан толмасин!
Истиқлолни куйлаганда,
сўзла борини дилим,
Дағал ҳисларни сийпалаб,
атгасларга ўрама!
Ноҳақлик ниқобларин
йиртгин, қилич бўл шеърим
Торни яна баландроқ чал,
эски куйдан сўрама!
Чунки етмиш йилнинг кўп
доғларига ботганмиз,
Дилларга хурлик тегди,
хурсизликни отганмиз!
Истиқлолим мадҳиясин
баландроқ куйла дилимда
То, бу қўшиқ бағрида
қора доғлар қолмасин!...

Ўткинчи дунёда яхшилик айла,
Пешонанга ҳалол яшамоқ битсин.
Берганига шукр қил, сира оз деса
Эзгулик умрингни нурафшон этсин.

Ўткинчи дунёда яхши ном қолдир.
Тўғрилиқ — буюкликдир, унга не етар
Тўғрилиқнинг йўллари осмон қадардир.
Эгрилик эгилиб, кўмилиб кетар.

ФЕЪЛИНГИЗ АФТИНГИЗДАН МАЪЛУМ

Физиогномика — киши характерини ташқи белгилари, овози ва шунга ўхшаш нарсаларига қараб аниқлаш санъатидир. У минг йиллардан бери мавжуд. Қадимги Грецияда унга ўта муҳим соҳа сифатида қарашган. Аристотелнинг физиогномикага оид баъзи ҳикматлари ханузгача сақланади... Мана улардан баъзилари:

Кимнинг бўйни тўла бўлса — юраги кучлидир. Кимнингки бўйни жуда қалта бўлса — айёрдир. Кимнингки лаблари қалин ва балаңдлагиси туртиб чиққан бўлса — у аҳмоқдир. Кимнингки бурун тешиклари девори қалин бўлса — у оқкўнгилдир.

Кимнингки бурун ўрқачли бўлса ва у пешонасидан бошланса — уятсиздир. Юзи қуруқ кишилар — эҳтиёткордирлар. Кимнингки юзи кичкина бўлса — зикна кишидир. Юзи катта одам танбал бўлади.

• Бу — қизиқ

Кичиккўз кишининг қалби тордир. Кўзи ботиқ одам — золимдир. Кимнингки кўзи туртиб чиққан бўлса — аҳмоқроқдир. Пешонаси ҳаддан ташқари катталар овар бўлишади. Манглайи дум-думалоқларнинг ҳам эси камроқ бўлади. Пешонаси тиришган кишилар гурурли бўлишади. Пешонаси текис инсонлар — доимо хушомадгўйдирлар.

МУАССИС: Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги
Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК
ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖҲАБОВ Шухрат ЖАБОВ

Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдугани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Ёқубжон ХҲЖАМБЕРДИ
Бобоҳон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Бўриовой АҲМЕДОВА ОТАУЛИ Саидмаҳмуд АКБАРОВ Шохрўх АКБАРОВ Меҳмонкул ИСЛОМКУЛОВ Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1. ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09. ИНДЕКС: 64600 ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Муҳарририятта келган кўлэмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир. Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-01093. 15061 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табак. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КИНОЦЕНТРИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-й. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА, 16

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00-8.30 «Хафтаном». 8.30 Эстрада тароналари. 9.05 «Ўзлик». Бадий-публицистик курсатув.

9.30 «Ўзбектеlevision» намойиш этади. «Диккат, мотор!» Видеофильм. 5-серия. 10.05 Кино янгиликлари. 10.20 «Жаҳон киноси юдзулари». 10.40 «Бу ҳам кино». Серил. 11.50 «Олтин миҳ». Мультифильм. 12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадий жамолари-нинг концерти. 12.35 «Шарқ зарчасмаси». Телефильм. 12.50 «Спорт, спорт, спорт». 13.10 «Үйла, изла, топ». Телебеллашув. 13.45-14.00 Телевидение — сиз учун.

Телеомашабуллар диктатига! Профилактика муносабати билан 16 март душанба куну УЎТБ-1 курсатувлар соат 6.30дан 14.10гача УЎТБ-III каналда эфирда намоиш этилади. 17.55 Курсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Барака ёмири». Мультифильм. 18.20 Болалар учун. «Гулгунчалар». 18.40 «Футбол майдонларида». 19.00 «Калдирғоч» А. Парпиев куйлайди. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 Биржа ва банк хабарлари. 20.10 Оқшом эртақлари. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Туртинчи ҳокимият». 21.25 «Очун». 21.40 «Чорбоғ манзараси». Телефильм премьераси. 22.00 «Алпомисл авлодлари». 22.30 «Ўзбектеlevision» намойиш этади. «Диккат, мотор!». Видеофильм премьераси. 6-серия. 23.30 «Ахборот». 23.55-24.00 Ватан тимсоллари.

18.00 Курсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». (рус тилида). 18.15 «Ерилтош». Мультифильм. 18.35 «100 йиллик саргузаштлар давомида». Телесерил. 19.05 «Эгиз қўшқилар». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Турини ҳақида». 20.20 Мусикий сайр. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Олтин мерос». 21.10 «Бешинчи ўлчов». 21.30 «Санта-Барбара». Телесерил. 22.20 «15 дақиқа спорт ҳақида». 22.35 «Даракчи» (рус тилида). 22.45 Оҳанглар ва эълонлар. 22.55 «Еш Индиана Джонс хроникаси». Телесерил. 23.45-23.50 Тунингиз хайрли бўлсин!

СЕШАНБА, 17

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00-8.25 «Ахборот». 8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.40 «Суйганим сенмасимдинг». Мусикий композиция. 9.05 «Кизилкарли учрашувлар» Х. Туркбоёв. 9.30 «Диккат, мотор!». Видеофильм. 6-серия. 10.05 «Излаган имкон топар». 10.25 Инглиз тили. 11.00 Алифбо сабоқлари. 11.30 Рақс, рақс, рақс. 11.45 «Биржа ва банк хабарлари». 12.05 «Ешлик» студияси. «Сочининг савдоси тушиди». 12.40 «Товус». Мультифильм. 12.50 «Жараён». 13.15-14.00 Кундузги сеанс. «Марсия». Телесерил. 1-серия. (Хитой). 22.55 «Спорт-тайм». 23.25-23.35 «Хайрли тун!»

премьераси. 7-серия. 23.30 «Ахборот». 23.55 — 24.00 Ватан тимсоллари. 18.00 Курсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 «Ерилтош». Мультифильм. 18.35 «Еввойи ҳайвонот олами». 19.00 «Тарозу». 19.20 Оҳанглар ва эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 Мусикий меҳмонхона. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Онагинам». 21.20 «Спорт китъаси». 21.50 «Даракчи». 22.00 Оҳанглар ва эълонлар. 22.15 Кинонинг. «Ертўла». 24.00-00.05 Тунингиз хайрли бўлсин!

18.15 Янгиликлар. 18.20 «Оҳ, малика». Мультифильм. Россия жамоат телевидениеси. 7.30-9.00 18.20-21.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам». Россия давлат телевидениеси. 22.00-22.30 22.30 Эълонлар. 22.35 «Олтин ўғрилари». Бадий фильм (АКШ). 00.05-00.25 «Ахборот» (рус).

ЧОРШАНБА, 18

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00-8.25 «Ахборот». 8.25 «Ўзликнинг намойиш этили». Телеканаллар. 9.10 «Хамкорлик ришталари». 9.30 «Диккат, мотор!». Видеофильм. 7-серия. 10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал. 10.25 Тасвирий санъат. 10.55 «Ешлар табассуми». 11.15 «Соҳ сеҳри». Мусикий дастур. 11.45 «Ихор». 12.05 «Талаба ва спорт». 12.20 Болалар учун. «Кўшигим, жон кўшигим». 12.50 «Умр мазмуни». И. Гофуров. 13.15 Кундузги сеанс. «Марсия». Телесерил. 2-серия. 14.10-14.40 «Орзули юрт одамлари». 17.55 Курсатувлар тартиби. 18.10 «Компьютер сабоқлари». 18.35 «Бугуннинг уйлари». 18.55 «Санъат — дўстликка чорлайди». Мусикий дастур. 19.20 «Бу втуғ оламда Ватан биттадир». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Езув стилидан репортаж». 20.10 Оқшом эртақлари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Иктисодиёт чорраҳаларида». 21.20 «Муаллим». Телефильм премьераси. 22.10 «Келин-куёв». Телешоу. 23.00 «Ўзбектеlevision» намойиш этади. «Диккат, мотор!». Видеофильм премьераси. 8-серия. 23.30 «Ахборот». 23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Бухоро» (Бухоро) — «Темирйўлчи» (Кўкон). 00.40 Футбол. Учрашувлар, натижалар. 00.45-00.50 Ватан тимсоллари.

18.00 Курсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи» (рус тилида). 18.15 Жаҳон халқлари эртақлари. 18.35 «XX аср жиноятлари». Телесерил. 19.10 «Доине Велле» тақдим этади... 19.15 «Жозефа». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Ғазал соғинчи». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Кулгуга нима етсин». 21.15 «Санта-Барбара». Телесерил. 22.00 «Даракчи» (рус тилида). 22.10 Оҳанглар ва эълонлар. 22.25 «Буюк изкуварлар. Коломбо». Серил. 24.00-00.05 Тунингиз хайрли бўлсин!

18.15 Янгиликлар. Россия жамоат телевидениеси. 7.30-9.00 18.20-21.40 21.40 «Шохсуна сари йўл». Спорт дастури. Россия давлат телевидениеси. 22.00-22.30 22.30 Эълонлар. 22.35 «Удабурун». Бадий фильм. (Франция). 00.05-00.25 «Ахборот» (рус тилида).



ПАЙШАНБА, 19

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00-8.25 «Ахборот». 8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.40 Олтин мерос. «Туйғулар жаранги». Мусикий дастур. 9.10 «Иктисодиёт чорраҳаларида». 9.30 «Диккат, мотор!». Видеофильм. 8-серия. 10.05 Янги алифбони ўрганамиз. 10.35 «Остонани тиллодан». Бадий-публицистик курсатув. 10.55 «Шарқ таботати». 11.05 Болалар учун. «Орзу». 11.25 «Харита». Халқаро шарҳ. 11.40 «Табаррук қадамжолар». 12.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Навбахор» (Наманган) — «Пахтакор» (Тошкент). 13.35 «Кетмас давлат берсин». 14.10-14.55 Кундузги сеанс. «Марсия». Телесерил. 3-серия. 17.55 Курсатувлар тартиби. 18.10 «Умид учкунлари». Тележурнал. 18.30 «Хидоят сари». 18.55 «Ажаб саодат эрур...». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Ўзма-юз». 20.10 Оқшом эртақлари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Парламент соати». 21.30 «Санъаткор саодати». М. Сатторова. 22.10 «Бозор рақобати — сифат кафолати». 22.35 «Битик». Бадий-публицистик курсатув. 23.00 «Ўзбектеlevision» намойиш этади. «Диккат, мотор!». Видеофильм премьераси. 9-серия. 23.30 «Ахборот». 23.55 «Аруз гулшани». 00.05-00.10 Ватан тимсоллари.

18.00 Курсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 «Аралаш-куралаш». Болалар учун дастур. 18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесерил. 18.50 «Катта танлафуус». Телеуйин. 19.10 Дилнавоз садолар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Билиб куйган яхши». 20.10 «Бир жуфт қўшиқ». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Мутуйба». 21.20 «Одобнома». 21.30 «Олис ва яқин Хиндистон». 21.50 «Даракчи». 22.00 Оҳанглар ва эълонлар. 22.15 Оилавий экран. «Аблаҳ». Бадий фильм. 23.45-23.50 Тунингиз хайрли бўлсин!

18.15 Янгиликлар. 18.20 «Леопольдинг сайри». Мультифильм. Россия жамоат телевидениеси. 7.30 — 9.00 18.30-21.40 21.40 «Биз қандай дам оляпмиз?». Россия давлат телевидениеси. 22.00-22.30 22.30 Эълонлар. 22.35 Дэвид Бредли «Аччиқ ҳақиқат» фильмида. 00.05-00.25 «Ахборот» (рус тилида).

17.10-18.45 Туркия телевидениеси. 18.45 Курсатувлар тартиби. 18.50 «Мультимоша». 19.05, 22.30 Эълонлар. 19.15 «Мухаббат тарихи». Телесерил. 19.55 «02» тўлинида. 20.10 «Хамшаҳарлар». 20.30 «7 дан 70 гача». 20.55 «Минг бир маслаҳат». 21.10 «Итерспорт». 21.30 Рақур. 22.00 «Каталог». 22.10 «Мусикий Олимп». 22.35 «Киносалон». 23.05 «Даракчи». Юмористик курсатув. 00.35-00.45 «Хайрли тун!»

ЖУМА, 20

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00-8.25 «Ахборот». 8.25 «Ортада Наврўз нафаси». Мусикий дастур. 8.55 «Ўзма-юз». 9.15 Болалар учун. «Ҳикматлар хазинаси». 9.30 «Диккат, мотор!». Видеофильм. 9-серия. 10.05 «Сарғайган саҳифалар». Адабий курсатув. 11.30 Немис тили. 11.00 «Янги кун». Болалар учун дастур. 12.05 «Меҳр макони». 12.25 «Шоҳрух» клуби. 12.45 Ўзбек куйларида концерт. 13.15-14.00 Кундузги сеанс. «Марсия». Телесерил. 4-серия. 17.55 Курсатувлар тартиби. 18.10 Болалар учун. «Наврўз чечалари». 18.30 «Сени таниганам мени ҳам билмас». Публицистик курсатув. 18.50 «Химмат». 19.10 «Миллий дастур — миллий истиқбол». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Чемпион билан мулоқот». 20.10 Оқшом эртақлари.

20.30 «Ахборот». 21.00 «Иктисод алифбоси». 21.30 «Яна баҳор!». Бадий-публицистик курсатув. 22.20 «Учрашув». Теша Мўминов. 23.00 «Ўзбектеlevision» намойиш этади. «Диккат, мотор!». Видеофильм премьераси. 10-серия. 23.30 «Ахборот». «Мунаввар дунё». Матрифий-дамлиш дастури. 23.55 «Олам». 00.15 «Илохий ишқ». Бадий фильм. 01.35-01.40 Ватан тимсоллари.

18.00 Курсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 «Бугуннинг боласи». 18.35 «Наврўз аҳам». Сурнай «наво-си». 18.45 «Акс». 19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам». 19.20 Оҳанглар ва эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Кўшиқлари сизга». Миразия Муҳамедов куйлайди. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Эртага Наврўз». 21.15 «Яхши дам олинг». 21.30 «Санта-Барбара». Телесерил. 22.15 Оҳанглар ва эълонлар. 22.30 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари». 24.00-00.05 «Тунингиз хайрли бўлсин!»

18.10 Киноафиша. 18.15 Янгиликлар. Россия жамоат телевидениеси. 7.30-9.00 18.20-21.40 21.40 «Мусиқа ҳамма учун». Мусикий дастур. Россия давлат телевидениеси. 22.00-22.30 22.30 Эълонлар. 22.35 «Сен — менинг кўшигимсан». Мусикий фильм. 24.00-00.20 «Ахборот» (рус тилида).

17.10-18.45 Туркия телевидениеси 18.45 Курсатувлар тартиби. 18.50 «Мультимоша». 19.05, 21.35 Эълонлар. 19.10 «Морена Клара». Телесерил. 19.55 «Уй остонадан бошланган». 20.05 «Ташрифий муборак. Наврўз». 20.45 «Наволарда аён атсам». 21.05 «Дурдаршан». 21.40 Кинематограф. «Ойдан тушган малика». 2-серия. 22.40 Араб эстрадаси. 23.10-23.20 «Мунаввар тоғ истаб».

ШАНБА, 21

6.30 ДАН УЗЛУКСИЗ ТЕЛЕКУРСАТУВЛАР ДАСТУРИ 8.55 Курсатувлар дастури. 9.00 «У ким? Бу нима?». 9.15 Мультифильм. 9.30 «Гулдаста». Мусикий дастур. 9.55 Ўзбекистон Миллий боғидан Наврўз байрамига бағишланган тантаналар. 11.25 «Келин-куёв». Телешоу. 12.15 «Ер-ёр». Бадий фильм. 13.20 «Мутуйба». 13.40 «Жонни Квест саргузаштлари». Мультифильм. 14.00 Курсатувлар дастури. 14.05 «Ғазал соғинчи». 14.25 «Еднома». Соҳибқирон Амир Темур. 15.15 «Онагинам». 15.35 «Спорт китъаси». 16.05 «Шарқ дундонлари». 16.25 «Тангалик болалар». Бадий фильм. 17.45 «Наврўзи олам». 17.50 Курсатувлар дастури. 17.55 «Даракчи». 18.10 «Ўзбекфильм» тухфаси. 18.30 «Катта танлафуус». Телеуйин. 19.10 «Дилбарим». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 20.00 «ТВ ва театр». 20.20 Наврўз оҳанглари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Ихор». 21.25 «Бизнес-академия». «Ташаббус-97». 21.45 «Ғал йўқ». 22.45 «Кўнгил кўнгилга пайванд». 23.15 «Даракчи». 23.30 «Очун». 23.50 «Темир хотин». Бадий фильм. 1-2-сериялар. 01.55 — 02.00 Тунингиз хайрли бўлсин!

18.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар. Россия жамоат телевидениеси. 18.10-00.20 00.20 Эълонлар. 00.25-00.50 «Панорама» (рус тилида).

9.00 «Хайрли тоғ!» 9.30 «Парле ву франсе?» 9.55 «Якшанба эртаси». 11.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида). 11.45 Клип-антракт. 11.55 Эълонлар. 12.00 Киносалон. 14.00 «Рақурс». 14.30 «Жонли сайра». 14.50 Клип-антракт. 15.00 Кундузги сеанс. 16.30 Мультиэкран. 16.50-17.10 «Сенинг вақтинг». 17.10-18.45 Туркия телевидениеси. 18.45 «Мультимоша». 19.00, 21.55 Эълонлар. 19.05 «Кобра». Телесерил. 19.50 «Бугун кун маззуси». 20.05 Клип-антракт. 20.15 «Хайрли оқшом». 20.45 «Иштирок этувчилар». 21.05 «Буржлар биноси». 22.00 Киносалон. 22.45 Жаҳон киноси янгиликлари. 00.15-00.25 «Хайрли тун!»

20.00 «Далил ва шарҳ» (махсус сони). 20.15 Байрам табриклари. 20.20 Рақслар қанотида. 20.45 «Далил ва шарҳ» (махсус сони). 20.55 «Ягона осмон остида». 21.10 «Болалар сўзлаганда». 21.15 Байрам табриклари. 21.20 «Биргаликда куйлайлик». Финал. 22.35 Европадан табриklar. 23.05 «Наврўз қанотларида». 23.15 «Мусикий табрик». 23.20 Европадан табриklar. 23.50 Киносалон. 01.25 Хит-коллекция. 01.45 Спорт марказ. 02.25 — 02.35 Хайрли тун!

ЯКШАНБА, 22

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00-8.25 «Ахборот». 8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан». 11.00 «Кели Наврўзи олам». Болалар учун мусикий композиция. 11.15 «Езуви ва замон». 11.45 Кундузги сеанс. Бадий фильм. 12.55 «Қалбим тароналари». Мусикий дастур. «Ешлик» студияси намойиш этади: 13.30 «Ешлик баҳори». 14.50 Бадий фильм. 16.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент) — «Темирйўлчи» (Кўкон). Пахтакор Марказий стадиондан олиб қурсатилади. Танаффус пайтида — Телефильм. 17.55 Курсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун. «Фламинго». 18.15 «Ешлик» студияси. «Нима учун?». 18.35 «Олам қўшқига тўлсин». 19.00 «Ўзлик». Бадий-публицистик курсатув. 19.30 «Панорама» (рус тилида). 20.00 «Саҳна ҳаёти». 20.30 «Хафтаном». 21.05 «Якшанба оқшомида». Мусикий дам олиш дастури. 21.45 Телевизион миниатюралар театри. 22.30 Спорт. Спорт. Спорт. «Аср мўъжизаси» дастури. 22.50 «Кино янгиликлари». 23.05 Ўзбек киноси ижодкорлари. 23.25-00.35 «Бу ҳам кино». Серил.

8.55 Курсатувлар дастури. 9.00 Болалар экрани. 9.10 «Катта танлафуус». Телеуйин. 9.50 «Дилбарим». 10.05 «ТВ ва театр». 10.25 «Маҳаллада дув-дув гап». Бадий фильм. 11.45 «Ихор». 12.10 «Кўнгил кўнгилга пайванд». 12.40 «Ғал йўқ...». 13.40 «Очун». «Якшанбада яхши дам» дастури. 14.00 Курсатувлар дастури. 14.05 Жаҳон халқлари эстрадаси. 14.30 «Еднома». Мирзо Улуғбек. 15.10 «Интер-футбол». 15.50 «Сиз ётирган қўшқилар». 16.10 «Бари хапал». 16.20 Мультипанорама. 16.40 «Мафтунингман». Бадий фильм. 18.00 Курсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 «Бўш ўтирма». 18.35 Турфа олам. 19.00 «Нафосат». 19.10 Келгуси ҳафтада. 19.30 «Панорама» (рус тилида). 19.55 Эълонлар. 20.00 «Жараён». 20.15 Тақвим, оҳанглар ва эълонлар. 20.30 «Хафтаном». 21.00 «Қалб таронаси». 21.20 «Даракчи». 21.30 «Даллас». Телесерил. 22.20 «Миллионлар ўйини». 22.50 «Майсаранинг иши». Бадий фильм 1-2-сериялар. 01.00-01.05 Тунингиз хайрли бўлсин!

18.05 Дастурнинг очилиши. Эълонлар. Россия жамоат телевидениеси. 18.10-00.20 00.20 Эълонлар. 00.25-00.50 «Панорама» (рус тилида).